

(Товар-моддий бойликлар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш ҳақида)

2022 йил "18" Февраль

Фарғона шаҳри

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Фаргона филиали Фаргона шаҳар почта алоқаси боғламаси низоми асосида иш юритувчи номидан раҳбар Р.Р.Каримов бундан буён “Сотувчи” деб юритилади иккинчи томондан В.Р.Н.А. Виссеев. Низом асосида ҳаракат қилувчи бундан буён бир томондан “Харидор” деб юритилади, қуйидагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

І. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Сотувчи” ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, “Харидор” эса қабул қилиб олинган маҳсулот ёки товар (қўрсатилган хизмат) учун тўловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

т/р	Товарнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	корсет	штк	2000.	2800	2200000
	Жами:				2200000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси 87 000 000 000 000 000 000 сўм

Ш.ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИНИ ТАРТИБИ

3.1. “Харидор” товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товар, маҳсулот (кўрсатилган хизмат)нинг 30 фоиз миқдори маблағи пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади ва сотувчи томонидан товарлар етказиб берилгандан сўнг сотиб олувчи 70 фоизини счёт-фактура орқали амалга оширадилар.

3.2. Товарлар “Сотувчи”нинг транспортида етказиб берилганда, транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДЛАТИ.

4.1. “Сотувчи” мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 15 иш кун муддат ичида “Харидор”га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертifikати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабларига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Сотувчи” мажбуриятлари:

- шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида “Харидор”га товарни етказиб бериш;
- шартноманинг шартлари “Харидор” томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳукукига эга;
- тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилмаганлиги тўғрисида билдиришнома олгандан сўнг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.
- “Сотувчи” етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. “Харидор”нинг мажбуриятлари:

- “Харидор” шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.
- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сўнг, ушбу тўғрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида “Сотувчи” ни огохлантириш.
- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўловлар амалга оширилишига йўл қўйилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. “Сотувчи” томонидан “Харидор” га товар ва маҳсулотларни белгиланган муддатларда етказиб бермаганлиги сабабли кечиктирилган хар бир куни учун етказиб берилмаган маҳсулот қийматининг 0,5 % микдорида “Харидор” га пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечиктирилган маҳсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф ушбу маҳсулот қийматининг 20 % микдорида жарима тўлашига сабаб бўлади.

7.4. “Харидор” томонидан олинган товар ёки маҳсулот учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0,4 % микдорида “Сотувчи” га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк етказиб берувчи томонидан копланди.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга қўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа хар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 ой давомида узлуксиз равишда давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш ёки қўшимча ижро муддатларини белгилашлари мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаган тақдирда мавжуд низо Фарғона туманлараро иктисодий суди орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари асосида ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан (Бюджет ташкилотлари учун Ҳазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтказилгандан) сўнг кучга қиради.

9.4. Шартнома 2022 йил 18 01 дан 2022 йил 31 12 гача амал қилади. Шартнома 2 нусхада тузилди.

X. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Сотувчи”

Фарғона шаҳар почта алоқаси боғламаси
150100, Фарғона шаҳри Каштанзор кўчаси 35-уй,
х/р 20210000100155266296

АТ “Алокабанк” Фарғона филиали

МФО: 00401, ИНН: 200833833

тел.: 0-373-244-48-00



Раҳбар

(имзо)

“Харидор”

B.T.P.J FARG'ONA VILOYATI BOSHQARTIRISH
Farg'ona sh., Farohiy k. sh 68-8
INN:207068086 OKONX:96310
Shxb:100021860304017102300037002
Markaziy bank Toshkent sh INN:201122919
Q.z. Resp. Moliya Vazirligi G'aznachiligi
H/P:23402000300100021010
MFO:80014



Раҳбар

(имзо)

ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойихаси амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида тўғри тузилганлиги сабабли белгиланган тартибларда имзолаш ва тузиш мумкин.

Ҳуқуқшунос:

7 11.01.2022